

## Транспорт

**Юк ташиш.** 2017 йилда барча транспорт турлари томонидан 11,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 108,7 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 343,7 млн. тн. км. ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 107,1 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ташилган юк, млн. тн.</b>	<b>11,2</b>	<b>108,7</b>
шу жумладан:		
автомобил транспортида	11,2	108,7
<b>Юк айланмаси, млн. тн. км.</b>	<b>343,7</b>	<b>107,1</b>
шу жумладан:		
автомобил транспортида	343,7	107,1

Автомобил транспортида 343,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 7,1 фоизга ўсди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 7,6 фоизга кўпайди ва 197,8 млн. тн. км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 57,6 фоизни ташкил этди. (2016 йил январь-мартда уларнинг улуши 57,3 фоиз бўлган).

**Йўловчи ташиш.** Жорий йилда барча транспорт турлари томонидан 82,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 6,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 2016 йилга нисбатан 5,2 фоизга кўпайиб, 895,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	82,6	106,4
шу жумладан:		
автомобил транспортида	82,6	106,4
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	895,9	105,2
шу жумладан:		
автомобил транспортида	895,9	105,2